

ЯНВАР
ОЙ МАВЗУСИ: “ ҚИШ ҚУВОНЧЛАРИ”.

Урух	катта гурух						
Мавзу	“Мен ва менинг танам”						
Оралик	Январ 3-хафта						
Ривожлантириш соҳаси бўйича мақсад	Жисмоний ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш.	Инсоннинг тана тузилиши ҳақидаги билимларини мустахкамлаш ва ривожлантириш. Соғлом турмуш тарзини яхшилаш ва саломатлигига эътибор бериш ҳамда доимий тарзда жисмоний ҳаракатларни бажаришга ўргатиш.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш.	Саломатликлари ҳақида қайғуришга ўргатиш. Саломатлигига ва соғлом бўлишига доир фаолиятлар билан шуғулланиш малакаларини тарбиялаш.					
	Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик.	“Мен ва менинг танам” мавзусида сўз бойлигини ошириш. Бола нутқини мавзуга оид Ўзбек халқ мақоллари ва маталлари билан бойитиш. Диққат ва фикрлаш доирасини ривожлантириш.					
	Билиш жараёни	Тана тузилишидаги асосий қисмлар ва тана қисмларининг қандай иш бажариши ҳақидаги маълумотларни мустахкамлаш ва бойитиш.					
	Ижодий ривожлантириш	Инсон тана қисмини хотираси асосида чизишга ўргатиш.					
Ривожлантириш марказлари		Ривожлантириш марказлари					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Фронтал машғулотлар(катта доира)							
Мустақил таълим фаолияти	Қуриш-ясаш ва математика маркази	Жамоа бўлиб “Кўриш қобиятини текширувчи қўлланма” тайёрлаш		“Пахтали таёқчалардан кафт суяқларини ясаш”		Намуна, қуриш-ясаш учун керакли жихозлар,	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаш маркази	“Иркат киз” сюжетли-ролли ўйини.		“Хайдовчи ва пиёда” ўйини.		Диск, қўғирчоқ, йўл белгилари, машина рули.	
	Нутқ ва савод	“Сен менинг бир қисмим” таълимий ўйини ва расм асосида ўз фикрини баён этиш.		“Инсон гигиенаси” мавзусида кўргазма ва расмларни томоша қилиш ва нутқини ривожлантириш.		Мавзу асосидаги расм ва кўргазмалар.	
	Фан ва табиат маркази	“Тўғри овқатланишнинг инсон ҳаётидаги ўрни” мавзу асосида тажриба.			“Сув муолажалари”.		АКТ, расмлар, озиқ-овқат бўлаклари, елим идиш
	Таълимий ўйинлар	«Ойна ёрдамида ўз суратингни тасвирла»	«Қишки спорт турлари» таълимий ўйин		«Витаминлар қаерда яшайди?»		Ойна, карточкалар, мева ва сабзавотлар муляжи ёки расмлари
	Санъат маркази	“Суратингни чиз”.		“Маймун ва фил учун посылка оборамиз” лойиши.		“Кафтларимиздан байрам арчаси” аппликация.	Концелиярия моллари
	Муסיқа ва ритмика маркази	Аэробика, ритмик гимнастика	Ҳиссий гашаббускорликни ривожлантириш		«Тетиклашти-рувчи гимнастика»	«Хайвонлар ҳаракатига тақлид»»	Рақс ҳаракатлари рақали ритмик разминка

Январ 3 ҳафта
“Мен ва менинг танам”.

Кўриш-ясаш ва математика..

Мавзу: Жамоа бўлиб “Кўриш қобилиятини текширувчи қўлланма” тайёрлаш.

Мақсад: ўзини шифокор деб ҳис қилади, дўстлари билан мулоқотга кириб уларни соғлиқлари ҳақида қайғуради, кўзнинг тана аъзолари орасида нозик ва катта аҳамият касб этувчи органлигини билади, ижодкорлик ва фантазиялари ривожланади.

Керакли жихозлар: Ҳақиқий кўз шифокоридаги махсус жадвал тасвирланган расм намуналари, Қаватли жавон, катта кичик ўйинчоқлар, турли хил кўринишдаги буюмлар, кўрсаткич таёқча, қалам, қоғоз, кўзнинг бир томонини беркитиш учун картондан тайёр шаблон.

Фаолиятнинг бориши:

1. Кўриш қобилиятини текширувчи жадвал намунасини кўриш.
2. Жадвал асосида қандай қўлланма ясаш мумкинлиги ҳақида дўстлари билан суҳбат.
3. Режалаштириш.
4. Қўлланма тайёрлаш учун керакли жихозларни танлаб олиш.
5. Қаватли жавонга танлаб олинган ўйинчоқ ва буюмларни жойлаштириш.
6. Тайёр бўлган қўлланмани намуна билан солиштириш.
7. Дўстлари орасидан шифокор тайинлаш.
8. Шифокор олдида навбат билан кўрик учун кириш.
9. Кўриқдан ўтиш ва ўтказиш.
10. Шифокор томонидан ташхис қўйиш ва муолажа рецептини бериш.

Кўшимча: АКТ воситалари орқали кўз шифокори фаолияти билан таништириш ва суҳбат уюштириш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Жамоада ишлаши, вазифани тўғри таҳлил қила олиши ва уни қай даражада бажарилишига.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш.

Мавзу: “Ирkit қиз” сюжетли-ролли ўйин.

Мақсад: Озодаликка, тартиб ва сарамжонликка риоя қилади, касал бўлмаслик учун эҳтиёт чораларини кўради, тенгдошлари орасида озода бўлиш қоидаларини тарғиб қилади.

Керакли жихозлар: “Ирkit қиз” таҳаллуси остида кўғирчоқ, гигиеник воситалар, сув, кўзгу, кўйлак, ётоқ жихозлари, озодалик, тартиб ва сарамжонликни акс эттирувчи расмлар, озодаликка эътибор бермаслик натижасида юз бериши мумкин бўлган ҳолатлар тасвирланган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Расмлардаги ҳолатларни дўстлари билан муҳокама қилиш.
3. Кўғирчоқни олиб унинг аҳволини ўрганиш.
4. Кўғирчоқни тартибга солиш мақсадида режа тузиш.
5. Бажариладиган ишларни тенгдошлари орасида тақсимлаш.
6. Кўғирчоқни тартибга келтириш.
7. Олиб борилган фаолиятни ўзаро муҳокама қилиш.

Кўшимча қисм: “Мойдодир” мул்தилиминини намоиш этиш. Қўл ювиш ҳамда тиш ювиш тартиби билан таништириш ва амалиётда бажариб кўришни тақлиф қилиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Фаолиятдан сўнг тарбияланувчилардаги ўзгаришга, шахсий гигиенага эътибор қаратилаётганлиги ёки безътиборлигига.

Тил ва нутқ.

Мавзу: “Сен менинг бир қисмим” таълимий ўйини ва расм асосида ўз фикрини баён этиш.

Мақсад: Тана қисмларини аниқ номлайди, вазифаларини билади, ҳар бир тана қисмининг ва органларнинг қаерда жойлашганлиги ҳақида маълумотга эга. Бўлаклардан бутунни ҳосил қила олади.

Керакли жиҳозлар: Тана қисмлари тасвирланган расмлар, инсон танасининг яхлит кўриниши.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Билимларини мустаҳкамлаш.
3. Тана қисмларини ўз жойларига бириктириш.
4. Инсон танасини тўлиқ кўринишини ҳосил қилиш.
5. Тайёр макетни дўстлари билан таҳлил қилиш.
6. Фаолият якунида мавзу асосидаги фикрлари билан дўстлашиш.

Қўшимча: Тана аъзоларини инглиз ва рус тилларидаги номланишини такрорлаш ва мавзу асосида ҳаракатли ўйинлар

Алоҳида эътибор қаратилади: Тана аъзолари ҳақидаги билим ва кўникмаларни қай даражада эгалланганлиги.

Фан ва табиат.

Мавзу: “Тўғри овқатланишнинг инсон ҳаётидаги ўрни” мавзу асосида тажриба.

Мақсад: Истеъмолга яроқли ва яроқсиз озиқ-овқатларни ажрата олади, уларнинг фойдали ва зарарли томонлари ҳақидаги билимларга эга, овқатланиш рационига мева ва сабзавотларни кўпроқ миқдорда киритиш кераклигини билади ва риоя қилади. Нотўғри овқатланишнинг натижаси билан таниш ва уни олдини олашга интилади.

Керакли жиҳозлар: Мева, сабзавотлар, ичимлик, нон маҳсулотлари, гўшт маҳсулотлари ва хохшига кўра турли хилдаги озиқ-овқат маҳсулотларидан озгина бўлақчалар, ичи кўринадиган елим идиш, мавзуга оид расмлар, истеъмолга яроқли ва яроқсиз маҳсулотларнинг расмлари, “Тўғри овқатлани рациони” тасвирланган катта ҳажмдаги расм.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расм ва кўргазмаларни томоша қилиш.
2. Расмлардаги ҳолатларни таҳлил қилиш.
3. Елим идиш ичига мавжуд озиқ-овқат маҳсулотлари бўлақчаларини бирин-кетин солиш.
4. Аралшмани нима учун тайёрлаганликлари ва бунинг хусусиятини излаш.
5. Тайёр бўлган аралашмани ўрганиш ва фикрларини ўртоқлашиш.
6. Ўзаро савол жавоб уюштириш.

Қўшимча: Тарбиячи томонидан ўтказилган фаолиятнинг мақсади ва у ердан тарбияланувчилар ўзларига олган хулосалари ҳақида суҳбат уюштириш. “Чипс”, “Сосоола” ичимликлари асосида тажрибалар ўтказиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Тарбияланувчиларнинг мавзу асосида олган билимларига риоя қилишлари, овқатланиш рационларида мева ва сабзавотларни ўрин олганлиги, саломатликлари учун қайғуришлари, маълумотларни тенгдошлари орасида тарғиб қилиши.

Санъат маркази.

Мавзу: “Суратингни чиз”.

Мақсад: Ўзига баҳо бера олади, расм чизиш малакаси янада ривожланган, инсон танасини тўлиқ кўринишини чизиб, унга қўшимча детал, безаклар беради. Расм чизишда қийин шаклларни катталар ёрдамисиз чиза олади. Ранг беришда ранглар уйғунлиги намаён бўлади.

Керакли жихозлар ва материаллар: бўёқ, оқ қоғоз, рангли қаламлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Марказдан керакли жихозларни танлаб олиш.
2. Бажарилиши лозим бўлган ишни тахминий режалаштириш.
3. Ижодий фаолият.
4. Тайёр бўлган чизмага ранг бериш.
5. Қўшимча безаклар билан бойитиш.
6. Расмни дўстларига намоиш этиш ва уни тасвирлаб бериш.

Қўшимча: Уйга вазифа тарзида “Дўстим ва мен” мавзусида тасвирий фаолиятнинг турли усуллари орқали ижодий ишлар олиб келишни таклиф этиш ва ушбу ишларни дўстларига тақдим этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: бажарилаётган ишда бўртirma сифатларнинг шаклланмаганлигига, ўз ташқи қиёфасини қандай ҳисоблаши ва ўзига бўлган ишончи қанчалик баландлигига, чизган расми орқали боланинг психологик ривожланишига.

Қуриш-яаш ва математика..

Мавзу: “Пахтали таёқчалардан кафт суякларини ясаш”

Мақсад: Инсон танаси суяклардан иборатлигини билади, суякларни шакллари ва улар таянч ҳаракати вафасини бажариши ҳақида тушунчага эга, инсон кафтини тахминий бирон бир жихоз орқали ясаб бериш қобилиятига эга.

Керакли жихозлар: Пахтали таёқчалар, намуна, инсон танаси тасвирланган макет ёки расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Инсон танаси тасвирланган расм ва намунани тмоша қилиш.
2. Расм ва намунани таҳлил қилиш ва бажарадиган ишни тахминий режалаштириш.
3. Ижодий иш.
4. Бажарилган ишга изох бериш.

Қўшимча: Пахтали таёқчалардан одамчалар яшани таклиф этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Боланинг тасавури шаклланганлигига, бирон бир буюмни ўз ақли ва идроки орқали ясаб шу буюмга ўхшатиши ҳамда тасаввурининг кенгаётганлигига.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш.

Мавзу: “Хайдовчи ва пиёда” ўйини.

Мақсад: Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилади, йўл ҳаракати иштирокчиси сифатида қоидаларга амал қилади, йўлда қандай ҳаракатланишни билади, ҳайдовчи касби ва унинг машаққатлари билан танишиб билимлари ошади.

Керакли жиҳозлар: машина рули ва светофор макети, пиёдалар ўтиш жойи макети, йўл белгилари макетлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Марказдаги мавзуга оид барча жиҳоз ва расмлар билан танишиш.
2. Мавжуд йўл белгиларини нима вазифа бажарилиши ҳақида дўстлари билан ўзаро суҳбат.
3. Ўйинни тахминий режалаштириш.
4. Ролларни танлаб олиш.
5. Қаҳрамоннинг кийимларини кийиш.
6. Ўйин фаолиятини бошлаш.
7. Ўйин якунида ўз хато ва камчиликларини таҳлил қилиш.

Қўшимча: Ўйинга қўшимча вазифалар қўшиб уни мураккаблаштириш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Тарбияланувчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларини қай даражада билишлари, йўлда ҳаракатланишдаги хато ва камчиликларига, йўл белгиларини қандай маънони англатишини билишларига ва унга риоя қилишлари.

Тил ва нутқ.

Мавзу: “Инсон гигиенаси” мавзусида кўргазма ва расмларни томоша қилиш ва нутқини ривожлантириш.

Мақсад: Шахсий гигиенага риоя қилади, қўл-юз ва тишларини тўғри кетма-кетликда мустақил ювиш ва артишни билади, озодалик ва тартибга риоя қилади.

Керакли жиҳозлар: Инсон гигиенасига оид суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу асосидаги кўргазма суратларни томоша қилиш.
2. Суратдаги ҳолатларни таҳлил қилиш.
3. Томоша қилиш орқали ўзига хулоса чиқариш.
4. Шу кунга қадар ўз шахсий гигиенасига тўғри риоя қилган, қилмаганлигини таҳлил қилиш ва кўргазмадаги ҳолатлар билан таққослаш.
5. Ўз олдига мақсад қўйиш.
6. Расмлар асосида ўз фикрларини дўстлашиш.

Қўшимча: Гуруҳ ювиниш хонасида тарбияланувчиларни қўл, юз ювиш қоидаларига риоя қилган ҳолда ювинишни таклиф этиш ва бу жараёни доимий равишда такрорлашни бола онгига синдириш. Ифлосланган қўлларни ювмасдан овқатланиш натижасида содир бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар тасвирланган расм, видеороликларни болаларга намоиш этиш ва тушунтириш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Болаларга шахсий гигиенадан фойдаланиш малакасининг шаклланганлигига, берилган маълумотларга риоя этаётганлигига.

Фан ва табиат.

Мавзу: “Сув муолажалари”.

Мақсад: Сув муолажаларини мустақил бажариш кўникмалари шаклланган, сезувчанлик ҳислари шаклланган. Сув муолажаларининг фойдаларини билади.

Керакли жиҳозлар: Идишда сув, сочиқ, сув муолажаларини қандай кетма-кетликда ташкил этиш тасвирланган расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмлар орқали муолажаларни қандай олиб бориш тартиби билан танишиш.
2. Идишдаги сувга сочиқларни ботириб олиш.
3. Сочикларни нам ҳолатгача сиқиш.
4. Устки кийимларини ечиш.
5. Сочик билан баданни артиш.
6. Турли ҳарактлар билан танани сочиқ ёрдамида уқалаш.
7. Муолажадан сўнг бадандаги қизиш, қизаришларини кузатиш.
8. Бажарилган ишни таҳлил қилиш.

Қўшимча: Чиниқтиришнинг бошқа усуллари билан таништириш ва биргаликда чиниқтириш муолажаларини ўтказиб кўриш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Ҳарактларни тўғри бажаришига, мустақил равшда ўз-ўзига хизмат қилиш малакасининг қай даражада шаклланганлиги.

Санъат маркази.

Мавзу: “Маймун ва фил учун посилка юборамиз” лойиши.

Мақсад: Посилка нима эканлигини билади, посилка юбориш қоидалари билан таниш, посилкада ниммалар бўлиши мумкинлиги ҳақида маълумотга эга. Ижодкорлик қирралари кенгайиб боради, атрофдагиларга меҳр ва оқибатли бўлиш малакалари шаклланиб боради. Посилка, бандерол, муҳр, марка, индекс каби янги сўзларни билади.

Керакли жиҳозлар: Тайёр кўринишда посилка намуна сифатида. Қути, лой, ҳамир, пластилин, рангли бўёқлар, лента, муҳр.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани кузатиш.
2. Керакли жиҳозлар танлаш.
3. Посилкада юборилиши учун бирон бир буюмни танлаш.
4. Танланган буюмни яшаш.
5. Тайёр бўлган буюмни қутига жойлаштириш.
6. Қутини ленталар билан маҳкамлаш.
7. Қути устига ким учун ва кимдан эканлиги ҳақидаги маълумотларни қолдириш.
8. Қутини муҳрлаш.
9. Почта бурчагига олиб бориш.

Қўшима қисм: Видеоролик ёки слайдлар орқали почта орқали посилкани қай тарзда жўнатишини кузатиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Қуриш-яшаш, ижод қилиш, эркин фикрлаш, вазифани қабул қила олиш қобилиятларига.

Санъат маркази.

Мавзу: “Кафтларимиздан байрам арчаси” апликация.

Мақсад: Тасвирий фаолиятнинг янги турларидан хабардор, мўлжалли тўғри олади, қирқиш ва керакли жойга ёпиштириш малакаси ортади. Ҷамоада аҳил ва тенгдошларини ҳурмат қилади.

Керакли жиҳозлар: Намуна, ватмн, қайчи, рангли қоғозлар, қаламлар, елим, мунчоқлар, тасмалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани кўриш.
2. Керакли жиҳозлар танлаш.
3. Рангли қоғозларга кафтларини тушириш.
4. Туширилган кафтларни кесиб олиш.
5. Тайёр бўлган кафтларни арча кўринишида ватмнга елимлаш.
6. Арчанинг қолган қисмларини чизиб олиш.
7. Арчага шакл ва безаклар бериш.
8. Тайёр ишни дўстлари билан ўртоқлашиш.

Қўшимча: Турли хилдаги чиқинди буюм ёки матолардан “Арча” яшаш ва тайёр ишлар жамлангандан сўнг ўрмон макетини гуруҳ табиат бурчагида яратиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Мақсадга эришишда қийинчиликларни енгиши, тасвирий фаолият машғулотларида нафисликка, бажарилаётган ишнинг ҳақиқатга қанчалик яқин ва ўхшашта олиш малакаларига.